



1-IYUL 2021-YIL
26 (920)

web sayt: www.21asr.uz

@XXIasrofficial

Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chiqq boshlagan

ASR

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

e-mail: xxi_asr@umail.uz

Албатта, ёшликка хос шижоат, жўшқинлик ва мардликни, эзгу орзу-интилишларни амалий ҳаракатга айлантириб, салмоқли натижаларга эришиш учун инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшаши керак.

Шавкат Мирзиёев



5
НОЛИГАННИНГ
НОНИ ЯРИМ,
ШУҚР ҚИЛГАННИКИ
ҲАМИША БУТУН БЎЛАДИ



3
ИҚТИСОДИЙ ЗОНА
мамлакат тараққиётида
қандай аҳамиятга эга?



10
СЕН НЕЧУН
АЧЧИҚСАН, ҲАЁТ?!



**Султонмурод
ОЛИМ:**

12



“Мунозара маданияти” деган тушунча ҳам бор-ку! Аввало, ҳар ким оғзидан чиқадиган гапга жавоб бериши, етти эмас, етмиш ўлчаб, бир кесиши керак. Ёки оммавий

ахборот воситаси бир-биримизни болохонадор қилиб сўкиш учун берилган имкон эмас-ку, ахир!

8-9



**ЗУЛМАТ
ИЧРА
НУР
ҚИДИРИБ...**

ТАМАКИ ВА УЗУМ ЕТИШТИРИБ, АҲОЛИНИ БОҚИБ БЎЛМАЙДИ

1994 йилда Ургутта хорижий сармоя киритилиб, "УзБАТ" кўшма корхонаси ташкил этилди. Аммо бу билан кўзланган маррага етишиб бўлмас, чунки аҳоли сони ўсиб борарди. Бу билан ҳам одамларни боқиб мушкул эди.

Уша пайтларда Ургут тумани фақат тамакига ихтисослашган ҳудуд эди. Ҳатто бу маҳсулотни тизадиган сим ҳам четдан келтириларди. Туманнинг Мўминобод, Ғўс, Испанза, Тўртқул каби юқори ҳудудларида сув танқислиги туфайли 7 минг гектарга яқин майдонда токзор бор эди. Улар етиштирган майизни ғўсиллар Россия ва бошқа давлатларга экспорт қиларди. Туманнинг 50-60 фоиз ерлари насослар ёрдамида сугориларди, сабаби электр энергиясига ҳозиргидек эҳтиёж катта эмасди. Хонадонларда телевизорлар ҳам кам, санокли оилалардагина музлаткич бор эди...

Кейинчалик электр энергияси истеъмолчилари кўпайди, эҳтиёж ортиб борди. Ерларга сув чиқариш имконияти янада камайди. Шу боис яна узумчиликка эътибор кучайди. Токзорлар 10 минг гектаргача кенгайди, тоғли ҳудудларга ҳам оби ҳаётни мешларда чиқариб, қаламча экиш бошланди. Аҳоли сони йил сайин кўпайиб борди. Шунда sanoatни ривожлантириш мақсадида маҳаллийлаштиришни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳужжатлар қабул қилинди. Бу тадбиркорга катта энгиллик ва имтиёзлар берди.

Ургут марказида азалдан уддабурон одамлар кўп бўлган, яъни ишбилармонлик уларнинг қониди бор. Масалан, Ғўс ҳудудида икки туп помидор экиш у ёқда турсин, ер йўқлигидан яшаш уйлари жуда зич жойлашган. Лекин одамлари ишнинг кўзини билганлиги туфайли бошқа жойлардаги 1 гектар ери борлардан яхши яшайди. Ҳунармандчилик, тадбиркорликдан албатта!

Аваллари четдан юк келтириб сотганлар чайқовчиға чиқарилар, аксарияти орган ҳодимларнинг таъқибидан қочиб, бекитиб савдо-сотиқ қилишарди. Кейинчалик йўллар кенгайди, тадбиркорликка имкониятлар очилди. Шунинг учун кўнчилик тижорат билан машғул бўлди, энди кўпроқ маҳсулот олиб келиб, расталарга ёйиб сотиш бошланди.

Айниқса, 2000 йиллардан бошлаб хориждан маҳсулот келтириш кучайди. У ёқдаги ишбилармонлар билан дўстона ҳамкорлик ришталари боғланди, ишлаб чиқариш заводлариға киришди, ишларини урганишди. Кейин уша маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти борлигини кўриб, ускуналар харид қилина бошланди.

Бизда асосан sanoatнинг тараққий этиши, хорижий ускуналарнинг кириб келиши уша йиллардан йўлга қўйилди. Аввал гиламчилик корхонаси, кейин пластмасс қувурлар ишлаб чиқариш ускуналари кириб келди. Хориждан ҳамкорлар жалб этилди. Тадбиркорлар кўрдик, четдан импорт қилгандан кўра маҳсулотни шу ерда ишлаб чиқариш самарали бўлади. Асосийси, бозорға ўзи товар чиқаради, оиласининг олдида бўлади, одамларни иш билан таъминлайди ва яхши даромадға эга бўлади. Шундай қилиб sanoat ривожланиб борди.

Бир неча йилдан сўнг туманнинг Мерганча ҳудудида sanoat зонаси ташкил этиш ғояси амалға оширила бошланди ва Жомбой туманидан электр тармоғи тортилди. Уша пайтларда аҳолиға ҳам, ҳокимликка ҳам


бермасдан фақат тадбиркорларға, ишлаб чиқариш корхоналарига доимий электр энергияси етказиб бериларди.

АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДА?

Юртимизда 1996 йилда "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мамлакат раҳбар 2008 йил 2 декабрда "Навий вилояти эркин иқтисодий зонасини ташкил қилиш тўғрисида"ги фармонни имзолади. Шу тариқа эркин иқтисодий зоналар фаолияти бошланди. Ҳозир республикамизда 22 та шундай иқтисодий ҳудудлар фаолият юритмоқда. Дастлаб "Навий", "Ангрен", "Жиззах" ЭИЗлари ташкил этилди, кейин "Ургут", "Ғиждувон", "Ҳазорасп" ва "Қўқон" эркин иқтисодий зоналари ташкил этилди. Лекин ҳозирда салоҳияти жиҳатидан "Ургут" эркин иқтисодий зонаси пешқадамлар сафи-



Иқтисодий зона мамлакат тараққиётида қандай аҳамиятға эга?



барча туманидан ер ажратиб бериш вазифаси қўйилди. Яъни, 12 та тумандан 566 гектар ер майдонини қўшиб бериш режалаштирилмоқда.

БАРЧА КОРХОНАЛАР АЪЗО БЎЛА ОЛАДИ

Туман ҳудудидаги экспортбоп, sanoat ишлаб чиқариш имконияти бор ҳудудлар ушбу иқтисодий зона таркибига кириши мумкин. Яъни, туманнинг бошқа ҳудудида йирик ишлаб чиқариш корхонаси белгиланган талабларға мос келса, зонаға аъзо бўлиб, берилган имтиёзлардан фойдаланади. Улар экспортбоп, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарса, коммуникация, алоқа билан тўлиқ таъминланади. Экспорт қилган маҳсулотни учун 15 фоиз божна имтиёзи, четдан келтириладиган ускуналари қўшилган қиймат солиғидан озод этилади. Ер, мулк, фойда солиғидан 50 фоизгача, сув солиғидан белгиланган муддатларгача энгиллик яратилган, киритган сармоясига кўра 3 йилдан 10 йилгача солиқдан озод қилинган.

ДИРЕКТОР ҲОКИМ ЎРИНБОСАРИГА ТЕНГЛАШТИРИЛДИ

Бу, аввало, масъулият, қолаверса имконият ҳамдир. Тадбиркорлар ва эркин иқтисодий зонани ривожлантиришға янада кенгроқ имконият яратилапти. Биринчидан, иқтисодий зона директори бевосита тадбиркорлар билан ишлагани боис уларнинг дарди, муаммоси, ташвишини билади. Керак бўлса, муаммоларға ечим топиш масаласида ҳам ўз фикриға эга. Яна юқорида айтганимдек, туманлардан ҳам иқтисодий зонаға ер ажратиладиган бўлиб, уларни фаолияти йўлга қўйишда бевосита иштирок этиш талаб этилади. Булар, албатта, тадбиркорликни ривожлантиришға хизмат қилади.

Жамшид ҲАЙДАРОВ,
O'zLiDeP Ургут туман кенгаши раиси,
"Ургут" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси директори

ға қўшилди. Бу ердаги корхоналарнинг замирида шу ердаги халқнинг тадбиркорлиги, ҳаракатчанлиги давлат томонидан кредит олишдаги яратилган имтиёзлардан оқилона фойдаланишни ётибди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги фармониға асосан "Ургут" ЭИЗға туман ҳудудидан 390 гектар, Пастдарғом туманидан 66 гектар, Нуробод туманидан 360 гектар ва Самарқанд шаҳридан 102 гектар, жами 918 гектар ер майдони ажратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 мартдаги қарори билан яна Самарқанд шаҳар Хишрав-2 қўрғонидан 294 гектар, Ургут тумани Урамас маҳалласидан 50 гектар ер қўшиб берилиб, "Ургут" ЭИЗнинг майдони 1 262 гектарға етказилди!

Ҳозиргача ЭИЗда жойлаштириш учун қиймати 431,4 миллион долларлик 94 та инвестиция лойиҳаси қабул қилинди.

2018 йилда "Ургут" эркин иқтисодий зонасидаги 16 та лойиҳаға 59,3 миллион доллар сармоя киритилиб, 690 та иш ўрни яратилди. Йил якуни билан ишға тушган корхоналар томонидан 294 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 8,6 миллион долларлик товарлар экспорт қилинди. 2019 йилда эса корхоналар сони 25 таға кўпайиб, ишға тушган лойиҳалар 41 таға етди. Улар 784 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва 30,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди. 2020 йилда фаолият бошлаган корхоналар сони 55 таға етиб, ишлаб

чиқариш ҳажми 1 трлн. 1,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг 5 ойида 56 та лойиҳа фойдаланишға қабул қилиниб, уларға 272,6 миллион доллар сармоя жалб этилди ва қарийб 3 900 га яқин доимий иш ўрни яратилди. Улар томонидан шу даврда 704,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 18 миллион долларлик товарлар хориж бозорларига сотилди. ЭИЗға жойлаштирилган лойиҳаларни соҳалар кесимида таҳлил қилсак, асосий корхоналар энгил sanoat, чарм-пойабзал, электротехника, кимё sanoati ва бошқа йўналишлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ҳозирда қиймати 115 миллион долларлик 38 та лойиҳада қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳалар ишға туширилиши натижасида 3 150 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Йил якунигача эса 24,6 миллион доллар сармоя киритилиб, уларнинг 15 таси ишға туширилади ва 680 дан ортиқ фуқаро доимий иш ўрниға эга бўлади.

Эркин иқтисодий зона дирекцияси томонидан йилнинг ўтган даврида 10 мингдан ортиқ иш ўрниға эга 505 миллион долларлик 37 та лойиҳа шакллантирилди. 30 та лойиҳа ўрганиб чиқилмоқда, 7 таси эса хулоса олиш учун экспертиза идораларига юборилди. Ҳозиргача "Ургут" ЭИЗға кирувчи 5 та массивда 250 хилдаги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 14-15 апрель кунлари вилоятимизға ташрифи давомида берилган топшириққа асосан "Ургут" ЭИЗ учун вилоятнинг

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Шу кунларда партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзоднинг сайловолди дастури лойиҳаси жойларда кенг муҳокама қилинмоқда. Наманган вилоятидаги O'zLiDeP фаоллари, маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳам ушбу лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Бахтиёр УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси:

– Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш, кластер усулини янада кенгроқ қўллаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар бердилар. Бу масалага оид қатор қонунларни Сенатда кўриб чиқиш, маъқуллангани. Лекин ҳаётнинг ўзи уларни аниқлаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Менинг таклифим шуки, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, уни хорижага экспорт қиладиган тадбиркорларга берилётган имконият ва имтиёزلарни кўпайтириш керак. Хомашёни четдан олиб келишни қисқартириш, маҳаллийлаштириш дастури кўламини кенгайтириш, ходимларга замонавий билимларни, менежментлик сирларини ўргатиш учун уларни ривожланган хорижий мамлакатларда малакасини ошириш тартибидини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Анвархон
АБДУЛҲАЕВ,
Халқ депутатлари
Наманган вилоят
кенгаши депутати:

– Наманган вилояти билан Қирғизистоннинг Ўш вилояти Олабуқа туманлари ўртасида ҳамкорлик муносабатлари мустақамланиб бормоқда. Савдо-иқтисодий алоқалар ривожланмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, кўшни давлатларнинг чегараолди ҳудудларида ҳар икки мамлакат фуқароларига, тадбиркорларга қулай ва манфаатли бўлган савдо мажмуаларини ташкил этишни таклиф қиламан.

Солижон
МҮМИНОВ,
O'zLiDeP Наманган
вилоят кенгаши раиси:

– Мамлакатимизда маҳалла фуқаролар йиғинлари ваколатини янада кенгайтириш, “маҳаллабай” ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг октябрь ойидан “Темир дафтар”. “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жорий этилгани, рўйхатга олинган кам таъминланган оилаларга аниқ манзилли ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилгани, айниқса, ёшларни, хотин-қизларни касб-хунарغا ўқитиб, бизнес лойиҳаларни бошлаш, тикув машиналари сотиб олишлари учун субсидиялар ажатирилаётгани, қишлоқларда ёшларга 20 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратиб берилаётгани ўзининг дастлабки самараларини бермоқда. Партиямиздан кўрсатила-

диган номзоднинг сайловолди дастури лойиҳасида бу ишларни тизимли ташкил этиш, ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилгани долзарб аҳамиятга эга. Мен шу ўринда дастур лойиҳасининг “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш” деб номланган биринчи бўлимига “маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида жойлашган корхона, ташкилот, муассасаларнинг раҳбарлари фаолиятига баҳо беришда маҳалла фуқаролар йиғини фикрини эътиборга олиш тартибидини ўрнатиш лозим”, деган таклифни киритмоқчиман. Шунда, биринчидан, МФЙларнинг ваколати ва нуфузи янада ортади. Иккинчидан, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари маҳалла фуқаролар йиғини билан маслаҳатлашиб, муаммоларни биргаликда ечишга кўмаклашади.

Орифжон
МАХМУДОВ,
O'zLiDeP Наманган
вилоят кенгаши
аппарат раҳбари:

– Кейинги йилларда судлар мустақиллигига эришиш, фуқароларнинг, жумладан, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судловни таъминлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилди. Лекин келгуси беш йилликда бу жараёнлар янада кенгайтирилишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу маънода дастур лойиҳасининг “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш” бўлимида бу борада қатор вазифалар белгилангани бежиз эмас. Фурбатдан фойдаланиб, мазкур йўналиш бўйича айрим таклиф-мулоҳазаларимни айтмоқчиман.

Суд ҳукмлари, қарорларининг ҳаммаси ҳам ўз вақтида сифатли бажарилапти, дея олмаймиз. Назаримизда, суд ижрочилари фақат қарзларни ундириш билангина машғул бўлиб қолишмоқда. Шунинг учун алоҳида ваколатга эга бўлган “суд ижро департаменти”ни ташкил этиш жоиз. Яна бир таклиф: ҳозиргача амалда жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар бўйича халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига прокуратура идоралари томонидан тақдимнома киритиш тартиби қўлланиб келади. Судларнинг ваколатини, мақомини янада ошириш учун ана шу ваколат суд идораларига берилиши керак.

Жиноятларнинг ўз вақтида очирилиши, тезкор чоралар кўришга, тергов ва суриштирув ишларининг адолатли ва холис олиб борилишига, бунда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги принципига амал қилинишига боғлиқ. Шунинг учун ҳуқуқ идораларига соғлом рақобатчи бўла оладиган “Хусусий иктуварлар” ташкилотини тузиш таклифини бермоқчиман.



“Ишбилармон аёл” Хоразмда

Ниҳоят кейинги босқичда

“Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг Хоразм вилояти туман босқичлари шу кунларда қизгин давом этапти. Хусусан, Ҳазорасп ва Хива туманлари босқичларида 100 дан ортиқ хунарманд, фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорлар ўз кўргазмалари билан иштирок этди. Илк натижаларга кўра, Ҳазорасп туманида “Бахтбек инвест санаот” МЧЖ раҳбари Гулмира Матёкубова I даражали, “Zara tekstil” МЧЖ раҳбари Зайнура Ганжаева II даражали, яқка Тадбиркор Муборак Рўзметова III даражали диплом билан тақдирланди.

– Бугун меҳнатларим муносиб баҳоланиб, вилоят босқичига йўлландим.



ма олдим. Ўтган йили ҳам иштирок этгандим, ammo бироз тажриба, билим ва маҳоратим етмаганидан кейинги босқичларига чиқолмаганман, – дейди хивалик хунарманд Голиба Ражаббиди Каримова.

Танловда турли номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди. Уларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Мушарраф РАҲИМОВА,
O'zLiDeP Хоразм вилоят
кенгаши аёллар қаноти
бўлими мудири

Депутат – елкадош

Сайловчим – сараловчим

Халқ депутатлари Хонобод шаҳар кенгашидаги O'zLiDeP депутати Омадхон Жонпўлатов ташаббуси билан “O'zLiDeP – сайловчиларга ҳаммиша елкадош!” мавзусида тарғибот тадбири ташкил этилди. Унда Президентимизнинг жорий йил 17-18 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи давомида белгилаб берилган долзарб вазифалар хусусида атрофлича фикр юритилди.

– Давлатимиз томонидан Андижон халқининг бугуни ва эртаси учун яратилаётган имкониятлар, ажратилган маблағлар, бундан ташқари, “Ёшлар”, “Аёллар” дафтарларига киритилган фуқа-

роларни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган ҳар бир топширик ижросида сайловчилар билан елкадош бўлишимиз зарур, – деди депутат. – Шунингдек, шу йил октябрь ойида ўтказилиши белгиланган Президент сайлови ҳам юртдошларимизнинг сиёсий, маънавий, маърифий билимлари юксалишини, дунёқарашини, салоҳияти ортишини талаб қилмоқда.

Тадбир давомида халқ ноиб сайловчиларнинг муаммолари билан қизиқди. Имкон қадар аксарият мурожаатларни шу жойнинг ўзида бартараф этди.

Мансурбек МУСАЕВ,
O'zLiDeP Хонобод шаҳар
кенгаши аппарат раҳбари



Келажакка дахлдор

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими партиянинг Сергели, Янгиҳаёт туман кенгашлари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Янгиҳаёт туман маҳаллий кенгаши билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги академиясида “Депутат ва ҳарбийлар” мавзусида тадбир ўтказилди.

Иштирокчиларга O'zLiDePнинг “Ёш раҳбарлар лабораторияси”, “Келажакка касб-хунар билан”, “Ёш муваффақиятли тадбиркор”, “Хавфсиз интернет”, “Парламентда менинг ўрним”, “Ёш мулкдор – юрт таянчи”, “O'zLiDeP кутубхонаси” каби партиянинг истиқболли лойиҳаларида кўзда тутилган эзгу мақсадлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Эътиборлиси, бундан аввал ҳам ушбу ташки-

лотчилар шафелигида “Келажакка касб-хунар билан” лойиҳаси доирасида “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни МЧЖ “Dentafill plus” фармацевтика корхонаси, “Bek Mega текстиль” МЧЖ корхоналари иш фаолияти билан яқиндан таништириш учун самарали мулоқот ташкил этилган эди.

Дилноза ТОЖИЕВА,
Тошкент шаҳар кенгаши
ёшлар билан ишлаш
бўлими мудири

Нолигнинг нони ярим, шукр қилганники ҳамisha бутун бўлади

дейди қамшилик шижоатли тадбиркор аёл, O'zLiDeP фаоли Дилфуза Бўронова



XXI ASR
“Ким айтади, мени ногирон деб. Ҳассага таяниб юрганим ёки бир оёғимни босолмай қолганимга шундай деб ўйлаясиз, шекилли? Шундай бўлса-да, бир тадбиркор қилган ишни бажараяман-ку! Айтинг-чи, менинг фаолиятим қайси бизнесменникдан кам? Агар ярим жон бўлсам, уйимда оилавий боғча очиб, 18 нафар кичкинтойга таълим-тарбия берган бўлардим. Ёки 2 нафар ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлардим...”

Бу – Қамши туманидаги “Ўзбекистон” МФЙга қарашли Қамши кўчасидаги 96-уйнинг 2-хонадонида яшовчи Дилфуза Бўронованинг дард билан куйиниб айтган сўзлари. Матонатли, меҳнаткаш бу аёл 2007 йилдан бери тадбиркорлар сафида. Қўлигул чевар сифатида маҳаллада ном қозонган. Ундан сабоқ олган

даси букилмаслиги керак, доим яшаш учун курашиш, жамиятда ўз ўрнини топиш учун тинимсиз ҳаракатда бўлишга интилиши шарт, дейди мардона оҳангда. У ҳаракатдан ҳеч қачон тўхтамайди. Тўрт мучаси соппа-соғ одамлар тонгда донг қотиб ухлаб ётганида Дилфуза анча-мунча юмушларини уддалаб қўйган бўлади.

Тасаввур қиялмаслими, ҳеч қаери оғримайди, башанг кийинган аёл маҳалла идорасига нафақа, ёрдам сўраб, ййглаб



шогирдлари ҳам кам бўлмаяпти. Ҳаммаси тикувчиликка меҳр қўйган. Бу касбни ҳали бирортаси ташлаб кетмагани ҳам ҳайратланарлидир. Сабаби, Дилфуза шогирдларига “Танлаган касбингни чин юракдан севолсанг, барака топсан” дейишдан чарчамайди.

Тўғри, у расман 1-гурух ногирони сифатида қайд этилган. Аммо у бу қоғоздаги хулосани тан олгиси келмайди. Хужжатки, шунчаки бир сабаб, асосийси, инсон иро-

турганида у туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари билан касалхоналарга кўрпа-тўшак, ёстиқ ва иш халатлари етказиб бериш борасида шартнома имзолаётган бўлади. Бўлмаса, моддий кўмак сўраб турган аёл ким-у, Дилфуза ким? Улар орасида еру осмонча фарқ борми, бўлганда қандоқ!

Тан олайлик, Дилфуза Бўронованинг қилаётган ишлари қаҳрамонлик эмасми, жасорат эмасми? Бундай машаққатли вазифа-

ни эса ҳар ким ҳам уддалай олмайд.

– Ўзини эплолмаётган, Худонинг берган кунни давлатдан нажот истаб, ҳоқимият эшигига “ётиб” олувчи одамларни кўрганимда, уларнинг боқимандаликни тарғиб этувчи фикрларини эшитсам, асабим бардош беролмайди, – дейди Дилфуза ҳўрсиниб.

Унинг ногиронлиги бор 300 нафар хотин-қизга бепул ҳунар ўргатганининг ўзи фидойилик эмасми?! Фидойи замондошимнинг кўксини “Жасорат” медали безаб тургани ҳам тасодиф эмас, балки ҳақиқий меҳнат, машаққат ва жонкуярлиги учун давлатимиз томонидан кўрсатилган юксак эҳтиром ва рағбатдир.

– 2018 йилда Президентимиз фармони билан “Жасорат” медалига сазовор бўлганимни эшитиб, дунёга сиғмадим, шунчалик қувондимки, кўзларимда ёш тирқиради, – дейди Дилфуза Бўронова. – Тўғриси, бу эҳтиром менга кўп нарсани аңлатди. Ёнг қувонарлиси, ўзимнинг жамиятга керакли эканимни чин юракдан ҳис этдим. Юртим тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўша олаётганимдан фахрландим.

Мактабда ўқиб юрган кезларим бир нотўғри “укол” сабаб ногирон бўлиб, жамиятдан узилиб қолишни сира истамдим. Фақат ҳаракат қилдим, интилдим, курашдан тўхтамадим.

Дилфуза билан суҳбатлашар эканман, шу вақтгача қанча аёллар билан қилган мулоқотларим эсимга тушди:

– **Олиб келган макарони 2-навли экан, қоп-қора...**

– **1 млн. сўм беришибди, нимамга етади бу?..**

– **10 сотих томорқангизни ажриқ босиб кетган дейишди. Ким тозалайди бунча жойни? Икки ўғлимга ҳоқимлик аввал иш топиб берсин, кап-катта йигитлар энди ажриқ териб юрсинми?**


– **Янги автомобиль олган бўлсам, ўз пулимга олганман, ногирон боламни давлат боқсин!..**

– Бекорчи, дангасадан Худо ҳам безор, деган гапни мен айтмаганман, доно халқимнинг минг йиллик ҳикмати бу. Менинг хулосам битта: ҳаётдан, одамлардан ҳадеб нолийдиган, Яратганга шукрона айтмаган одамнинг ризқи, нони ҳар доим яримта бўлган, – дейди Дилфуза юқоридаги фикрларни эшитиб. – Давлат ким? Сиз, мен ва бошқалар-да. Фуқаролик жамияти қанчалик кучли бўлса, давлат ҳам шунча кучли бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш учун

тан, бир жон бўлиб, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшишимизда бош омил бўлмоқда. Биз хотин-қизлар партиямиз “Аёллар қаноти” томонидан хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш, фаол хотин-қизлар тажрибаларини оммалаштириш борасида саъй-ҳаракатларини давом эттиришдан манфаатдоримиз.

Дилфузанинг дадил ва дангалчасига айтган фикрларини эшитиб, беихтиёр балли, деб юборасан киши. Шундай шижоатли аёллар борлиги учун ҳам юртда тараққиёт давом этмоқда, ёшариш ва янгиланиш даврига қадам қўйдик.

Мақолаимиз сўнгига яна бир жасорат соҳибини сизга



катта саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти. Ҳар бир фуқаронинг вазифаси давлатдан нажот кутиш эмас, аксинча, юрт ривожига ҳисса қўшиш ҳақида бош қотириши керак. Президентимиз топган даромадиндан давлатга бер демаяпти, ҳеч бўлмаса, бирор ишнинг бошини тутиб, ишла, тер тўк, маҳсулот чиқариб, даромад қил, эл тўкинчилигига ҳисса қўш, деяпти. Буни қилса бўлади. Фақат баъзи кишилар онгидан боқимандалик, яъни “берсанг, ейман, урсанг ўламан” деган фикрларни батамом чиқариб ташлаш керак.

Масалан, ўзим аъзо бўлган O'zLiDePнинг “Биргаликда биз кучмиз” деган шиори жуда ибратли. Бу даъват биргаликда куч бўлиб, бир

таништирмоқчиман. У қамшилик мард ва қатъиятли йигит – Камолжон Довуловдир. Камолжон сўзига собит ва қатъиятли эканини ўзи ёқтириб қолган, гарчи у ҳасса билан юрса-да, гап-сўзлар, таъна-дашномларга парво қилмай Дилфузахон билан ҳаёт ришталарини боғламоққа аҳд қилганида исботлаб қўйганди. Ниҳоят турмуш қуришди, Аллоҳнинг марҳамати туфайли фарзандли ҳам бўлишди. Ота-онасининг умиди бўлиб дунёга келган Умиджон ҳозир 10 ёшда. Насиб этса, у “Темурбеклар мактаби” да таҳсил олмақчи.

Менинг назаримда, бахт деганлари шу бўлса керак...

Фахриддин БОЗОРОВ,
журналист

Жиззахга бир

XXI ASR

Вақт югурик, бир киприк қоққунча ой, йил ўтиб кетяпти. Фурсату лаҳзаларнинг кадр-қиммати эса ҳаётимизда содир бўлаётган янгиликлар, онгу шууримизда кечаётган ўзгаришларнинг омили – тинчлик, фаровонлик, бунёдкорлик жараёнларининг кўлами билан белгиланади.

Шу йилнинг октябрида ўтиши белгиланган, Ватанимиз келажаги янада тараққий топиши, демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, юртимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига эришишда ғоят муҳим аҳамиятга эга ижтимоий-сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари ҳал қилувчи палласига кирмоқда.

Худудларда ўтаётган учрашуларда, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда, ижтимоий тармоқлардаги ўзаро фикр алмашувларда тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, халқимизнинг турли қатламларига оид фуқароларимиз сиёсий партияларнинг сайловолди платформаси лойиҳаси муҳокамасида фаол иштирок этишмоқда. Бу эса сўнгги йилларда юртдошларимизнинг сиёсий онги, дунёқараши ошгани, кундалик ташвишлари билангина андармон бўлмасдан, мамлакат тақдирига дахлдор ижтимоий-сиёсий воқеаларга ҳам очик, ошкора муносабат билдираётганидан далолат бериб турибди.

Маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат “Бир одамнинг саботи буюк бир миллатни ислоҳ этишга қодир”, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, охириги беш йилда демократик, инсонпарвар давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, пировардида халқимизни ҳаётдан рози қилиш, янада фаровон яшаш учун барча шарт-шароитни яратиш йўлида кўлами асрларга татиғулик ишлар амалга оширилди.

Бугун тамал тоши қўйилаётган янги Ўзбекистонда инсон кадр-қиммати, шаъни олий қадрият, инсон дарду ташвишлари билан яшаш эса одамийликнинг олий намунаси ҳисобланади. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилаётир.

Шулар ҳақида мушоҳада юритар эканман, беихтиёр бундан беш йил аввал О‘зЛиДеРдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёевнинг жиззахлик сайловчилар билан учрашуви ёдга тушади. У киши ўз сайловолди дастуридан ўрин олган стратегик мақсад ва вазифалар билан сайловчиларни таништирар экан, нафақат жиззахликлар, балки бутун мамлакатимиз аҳли учун табаррук шахсга айланган Шароф Рашидов сиймосини ёдга олганда ва бу табаррук зотнинг 100 йиллик тўйини муносиб нишонлаш ниятида қилинадиган ишлар юзасидан эл билан маслаҳатлашган эди. Кўп ўтмай, барча режалар рўёбга чиқди: Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилди, шаҳарда муҳташам ёдгорлик мажмуаси барпо этилиб, жиззахликлар ва бу ерга ташриф буюрувчи меҳмонларнинг азиз қадамжосига айланди.

Уша тарихий учрашувда вилоятда амалга ошириладиган стратегик вазифалар кўлами кўпчиликини севинтириб, ҳайратга ҳам солгани эсимда. Янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, корхоналарни модернизациялаш, озиқ-овқат, энгил саноат, чарм-пойабзал тармоқларида лойиҳаларни жорий этиш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари шулар жумласидандир. Ушбу дастурга мувофиқ, вилоятда жорий этиладиган ҳамда қурилиш материалла-



ри ишлаб чиқариш, кимё, электр техникаси ва бошқа тармоқлардаги истиқболли лойиҳалар кўлами, дарҳақиқат, ҳайратланарли эди. Яна маҳаллийлаштириш дастури ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш, улардан кенг фойдаланиш бўйича амалга оширилиши режалаштирилган тизимли ишларни қўшсангиз, белгиланган мақсаду вазифаларнинг, ҳақиқатан ҳам, ақлни шоширгулик эканига амин бўласиз. Очигини айтиш керак, бундай улкан режаларнинг рўёбга чиқишига ишонқирамай қарайдиган баъзи одамлар ҳам бор эди ўшанда. Бироқ вақт – олий ҳакам. Бугун амалга оширилган ишлар кўлаמידан келиб чиқиб, мушоҳада юритар эканмиз, мазкур ўзгаришларнинг, энг аввало, одамлар турмушида ўз аксини топаётганига бевосита гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Номзодимиз илгари сурган дастур доирасида ўтган 2017–2019 йилларда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича 1 триллион 600 миллион сўмлик қийматдаги 700 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Озиқ-овқат саноатида 230 та, энгил саноат, чарм-пойабзал тармоқларида 134 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Жиззах шаҳри, Фаллаорол, Жиззах, Арнасой, Мирзачўл, Дўстлик туманларида юқори технологияларга асосланган тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этилди. Натижада вилоятда пахта толасини қайта ишлаш даражаси 38 фоиздан 87 фоизга етказилди. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ, умумий қиймати 72 миллион доллардан зиёд 9 та инвестиция

лойиҳаси жорий этилди.

Жиззах шаҳри А саноат ҳудудида жойлашган “Jizzax Toshtepa Textile” корхонаси маҳсулотини 100 фоиз хорижга экспорт қилувчи субъект сифатида иқтисодиёт занжирида муҳим ҳалқа бўлиб қолмоқда. Бу ерда 1 500 дан зиёд иш ўрни яратилган. “Жиззах пластекс” корхонасида эса 9 миллион долларлик 2 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада йилига 7 минг 300 тонна бўялган ип-калава, 5 минг тонна газлама ва 3 миллион 500 минг дон тикувчилик маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, бугунги кунда чекка худудларимизда ҳам замонавий текстиль корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларда минглаб маҳаллий хотин-қизлар доимий иш билан таъминланган. Фаллаорол туманидаги “Сангзор текстиль” корхонаси фикримизнинг яққол исботи. 2019 йил якунида ишга тушган мажмуада айна пайтда 200 дан ошиқ доимий ва 50 га яқин мавсумий ишчи меҳнат қилмоқда.

– Корхона очилган илк кундан буён шу ерда ишляпман. Олдинлари бундай ишхоналарни ойнаи жаҳонда кўриб, қанийди, биз томонларда ҳам шунақа фабрикалар қурилса, шундай дастгоҳлар ёнида туриб ишласак, дая орзу қилардик, – дейди Наргиза Шодиева.

Айна пайтда фабриканинг кунлик қуввати 20–25, йиллик қуввати эса 7 500 тоннани ташкил этмоқда. Ишлаб чиқарилган ип-калава Хитой, Россия, Покистон, Туркия ва Польшага экспорт қилиняпти.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 255 та лойиҳа амалга оширилди. Масалан, 2017 йили “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида “Мингюан силу индустрий” чет эл корхонаси 110 миллион долларлик лойиҳанинг биринчи босқичини яқунлаб, йилига 24 миллион квадрат метр ойна ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.



Келсангиз...

Беш йил олдин Шавкат Мирзиёев сайловчилар билан учрашувда аграр тармоқда таркибий ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратган эди. Бугунги кунда вилоятда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, туманларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик, багличилик, асаларичилик, муқобил ёнилғи асосида

Умуман, вилоят бўйича 78 гектар майдонда кичик бизнес учун ташкил этилган 12 та махсус sanoat зонасида 100 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди.

Номзодимиз дастурида мамлакатимиздаги барча автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш, таъмирлаш ва сифат даражасини сақлашга қаратилган аниқ чора-тадбир кўзда тутилган эди. Утган беш йилда 570 километр автомобиль йўллари капитал таъмирланди, 15 та кўприк реконструкция



иссиқхоналар ташкил этиш бўйича 2 минг 44 та лойиҳа амалга оширилди.

Вилоятда охириги беш йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар миқдори камида 3,5-4 баробар кўпайтирилди. 2 мингдан ортиқ янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектининг ташкил этилишига кўмак берилди. Уларнинг сони 10 мингдан ошди.

Масалан, “Бегзод мебель” хусусий корхонасини олайлик. Шароф Рашидов туманида жойлашган мазкур хусусий субъект “Ёшлар – келажакимиз” давлат дастури асосида 700 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига иш бошлаган. Айни пайтда 20 нафар ёш уста 10 турдаги мебель тайёрламоқда.


– Бугунги кун истёмоличисининг диди жуда баланд. Шу боис ишлаб чиқараётган махсулотларимизнинг таннархини пасайтиришимиз, дизайн, сифат ва бошқа жиҳатларини чуқур ўрганишимиз керак. Ана шундагина жаҳон бозорига ҳам чиқа оламиз, – дейди корхона раҳбари Бехзод Ҳазраткулов.

қилинди. Шулар қаторида Жиззах шаҳридаги Ўзбекистон, Алишер Навоий, Тошкент, Фориш ва Темирийўлчилар кўчалари реконструкция қилиниб, минг километрлик ички йўллар таъмирланди.

2017–2020 йилларда юртимиздаги барча мурувват ва саховат уйларида замонавий шароит яратиш кўзда тутилган эди. Шу муносабат билан 2020 йил бошида Жиззах шаҳридаги 29-меҳрибонлик, Зомин туманидаги Ёш мурувват уйлари, жорий йил Зарбдордаги кар ва соқов болалар ҳамда заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатлари замонавий тарзда тўлиқ қайта таъмирланди. Ўқувчилар учун зарур барча жиҳозлар билан таъминланиб, фойдаланишга топширилди.

Энг аҳамиятлиси, ушбу ислохотлар самараси ҳар бир хонадон аҳлининг, ҳар бир инсоннинг ҳаётида ўз аксини топаётганидир. Юртдошларимиз бугунги кундан рози бўлса, эртасига ишончи ортса, мана шундай энг олий мақсадимиз рўёби.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири



“Мен ҳам овоз бераман!”

XXI ASR O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши томонидан Пахтакор туманида ёшлар билан учрашув ўтказилди. Жорий йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентлиги учун бўлиб ўтадиган навбатдаги сайловга тайёргарлик жараёни доирасидаги мулоқот бежиз “Мен ҳам овоз бераман!”, деб номланди.

Пахтакор туманида айни пайтда истиқомат қилувчи 75 мингдан ортиқ аҳолининг олтинчи фоизи ёшлар. Уларнинг тадбиркорликка жалб қилган ҳолда бандлигини таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Сунгги йилларда бу борада “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида эътиборга лойиқ қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. “Пахтакор Текс” МЧЖ, “Silverleaf Bmb Agro Trade Group” МЧЖ каби ири корхоналар фойдаланишга топширилди. Натижада юзлаб маҳаллий йигит-қизлар доимий иш ўринларига эга бўлишди.

Бироқ ечимини қутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг доимий даромад манбаларини шакллантириш, ҳалол меҳнати эвазига орзу-ҳавасларини амалга ошириш имконини яратиб бериш, булар ичида энг муҳимлари ҳисобланади.

Қолаверса, бугун ёшлар билан мулоқот қилиш алоҳида тайёргарликни, манбатитишни, нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда кечаётган воқеалардан хабардор бўлишни талаб қилади. Чунки ҳозирги навқирон авлоднинг қизиқиш доираси туман миқёси билан

чекланиб қолмаган. Уларнинг саволларига жавоб қайтариш осон эмас. Куруқ ваъдалар, номига қиладиган “навбатчи” маърузалар билан уларни алдаб бўлмайди. Балки шу сабабданми, ташкилотчилар ҳамда депутатларнинг мазкур тадбирга анчагина тайёргарлик билан келганликлари яққол сезилиб турди.

– Бугунги ёшлар билан мулоқот энгил чечмаслигини билардим. Аммо биз ҳам бундай очик, ошқора мулоқотга тайёр эдик, – дейди халқ депутатлари Пахтакор туман кенгаши O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Муҳаббат Ўролова. – Қолаверса, сайловга тайёргарлик жараёни халқ депутатлари туман кенгашида фаолият олиб бораётган 9 нафар партиядош депутатимиз учун ўта масъулиятли давр. Сайловолди дастури лойиҳасини муҳокама қилишдан олдин, сайловчиларимиз партиямизнинг ўтган вақт давомидаги фаолиятини ҳам, албатта, бир бора таҳлилдан ўтказишади. Туманимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси – муваффақиятларимиз сарасига кирса, ҳамон кўпчиликини ташвишга солиб келаётган муаммолар ечимини топиш йўллари биргаликда

излаш, янги истиқболли тараққиёт йўналишларини белгилаш, уни дастур лойиҳасида акс эттириш бугунги вазирамиз ҳисобланади. Шу сабаб, партиямиз Сайловолди дастури лойиҳасига ёшларимизнинг билдирган муносабати, таклифлари ўта муҳим.

Тадбир давомида нафақат партия Сайловолди дастури лойиҳаси, балки янги Сайлов кодекси, сайлов жараёнидаги янгиликлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

– Мен бу йилги сайловларда илк бора овоз бераман, – дейди Моҳинур Донубоева. – Ватаним тақдирига дахлдорлик туйғусидан қанчалик ифтихорда эканимни ифодалаш мушкул. Бугунги тадбирда ўзимнинг бир қатор таклифларимни билдирдим. Сиёсатга жуда қизиқаман. Шу сабаб, O'zLiDeP Сайловолди дастури лойиҳасига ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, бўлажак депутатларни тайёрлаб бориш мақсадида ҳар йили “Келажак депутатлари” кўрик-танловини ўтказишни таклиф қилдим.


Очиқ мулоқот давомида ёшлар томонидан соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, шунингдек, хусусий тиббиётни ривожлантириш орқали рақобат муҳитини яратиш ва тиббиёт туризмнинг юксак халқаро мезон ва стандартларга мослигини таъминлаш, банк фаолиятини тубдан қайта қуриш борасидаги мулоҳазалар ўртага ташланди.

Ўз мухбиримиз

АМИР ТЕМУР

Зулмат ичра

Даврон
ТОЖИАЛИЕВ



XXIASR

Амир Темур ғорига саёхат Шахрисабз шаҳридан бошланди. Бир кун аввал Сувтушар шаршарасида мириқиб чўмилганимиз, УАЗда тоғ йўлида бироз силламиз қуриганигами, дўстим Шаҳромнинг уйида мириқиб ухлабман. Саҳармардондан йўлга чиқдик.

Шахрисабздан Амир Темур ғорига икки йўлдан бориш мумкин: Яккабоғдаги Тошқўрғон қишлоғи ёки Деҳқонободнинг Дўконхона қишлоғи орқали. Тошқўрғондан бориш анча яқин бўлиб, машина йўли тугагач, 9 чақиримлик сўқмоқ билан пиёда юрилади. Шахрисабзлик танишларимиз ҳозир дарёда сув кўпайгани, икки-уч жойда одамни оқизиб юборадиган дарёдан кечиб ўтиш зарурлиги туфайли масофа олис бўлса-да, тепадан – Дўконхона тарафдан боришни тавсия қилишди.

Шахрисабздан Қамаш тарафга юриб, Қизилтепадан Лангар қишлоғи томон бурилдик. Лангардан Ҳадарё бўйлаб юқорига Янгиқишлоқ, Олмали, Чаламозор қишлоқлари бўйлаб тоғ устидаги Дўконхонага чиқилади.

Хайдовчимиз 72 ёшли Мўйсин бова – Шаҳромнинг амакиси. Кўринишидан ҳеч ким қари демайди. Амаки асфальт кўрмаган оғир тоғ йўлида УАЗни маҳорат билан бошқармоқда. Кеча биз бирон Сувтушарга чиққанида унинг иродаси ва шижоати ва тин бергандим. Шаҳромнинг отаси, олий тоифали шифокор Савриддин ака ҳам яхши гурунчи экан. Етти соатли тоғ йўлида бизни асло зериктирмади...

Дўконхонадан қуюқ арчазорлар бошланди. Денгиз сатҳидан 2 300 метр баландликда жойлашган Дўконхона қишлоғининг усти билан ўрмон оралаб юқорилаймиз. Йўлда УАЗнинг суви қайнаб кетгани, тўхтадик. Завқиддин ака иккимиз арчазорлар оралаб пиёда юрдик. Юқоридан Дўконхона қишлоғи ва арчазор тоғлар кўринади. “Ўзим қашқадарёлик бўлиб, вилоятимизда бунақа гўзал жойлар борлигини бил-

мас эканман. Ҳар хил санаторийлар ўрнига шу ерга келиб, чодир тикиб, бир ҳафта яшасангиз, дардларингиз арийди”, дейди Савриддин ака.

Яна юқорига кўтарилдик. Арчазорлар тугаб, улар ўрнини ям-яшил бутазор ва ўтлоқзорлар эгаллади. Бир неча чўпон оилалари бу ерга ўтов тикишибди. Бир тепалик ортидан қорли чўққи кўзга ташланади. Денгиз сатҳидан 2 850 метр баландликдаги тепаликдан ўтишимиз билан чап тарафда чуқур дара кўринди. Шу ерга бошқа сайёҳлар ҳам чодир тиқишган экан. Ўша ерда тўхтадик.

Харитага қарадим. Амир Темур ғори турган жойимиздан тўғридан-тўғри борилганда 1000 метр узокликда экан. Шахрисабздан Деҳқонобод тумани 135 км масофани 7 соатда босиб ўтибмиз.

Шу ерда чодирларни тиқишга киришдик. Ҳали ерга мустаҳкамланмагани учун шамол чодирни учира бошлади. Тепамизда ёмғирли булутлар тез ҳаракат қилмоқда. Ишқилиб, кечқурун шамол эсиб, ёзда ёмғир ёғмасин-да, дея ният қилдим.

Биз турган жой Шерлар дарасининг (Қалъаи шерон) тепаси бўлиб, Амир Темур ғори даранинг ичида эди. Тоғ сўқмоғи бўйлаб аввал ўнг томонлаб, сўнг кескин нишабликдан ўнгга юриб, дарё бўйига тушиб бордик.

Йўлда баландлиги 40 метр бўлган иккита кичик шаршарани учратдик. Қирғоққа тушишимиз билан сўқмоқ тугади. Дарё даранинг чап тарафидagi қоятошларга улашиб кетди. Сувдан тошдан тошга сакраб ўтишга тўғри келди.

Икки тарафимиз худди кимдир

катта тоғни йўниб чиққандай вертикал қоялар. Баъзи жойларда даранинг баландлиги 500 метрга етади. Қоялар кўёшни тўсиб қўйгани учун нур тушмайди. Баъзи жойларда ўсимликлар бўйимиз қадар. Сўқмоқ тугаб, йўл яна дарёнинг саёз жойига уланди. Пойабзални ечиб, етти метрлик жойдан дарё кечиб ўтдик. Сув жуда совуқ, оёқни жунжиктиради.

Узоқдан ғорнинг оғзи ҳам кўринди. Яна бир марта дарёдан ўтиб, ўнг тарафдан юқориладик. Дара ичида табиат жуда ранг-баранг. Минг йиллик арчалар, ёввойи тоғ пистаси кўп. Дарвоқе, ривоятларга қараганда бу ерда бир вақтлар арслонлар ов қилган экан. Шу боис Шерлар дараси деб аталган.

Саёхатномаларда Амир Темур аскарларининг отхонаси дея таърифланган оғзи тўғри тўртбурчак шаклидаги ғорга етиб бордик. Бу эни 5 метр, баландлиги 10 метрлик ғор дарвозаси эди. Ичкараси янада кенгайди. Ҳорда ҳаво ҳарорати бироз паст, лекин намлик унчалик билинмайди, чанг кўп. 20 метр юрилгандан кейин ғор чапга бурилади. Шу ердан ёриткичларни ёқишга тўғри келади. Ҳор ости сўқмоғи текис эмас, харсангтошлар ва қиррали тошлар оралаб ўтаётганда эҳтиёт бўлиш керак. Ичкарида 200 метрча юрилгандан сўнг узоқдан нур кўринди. Бирор туйнук бўлса керак, деб ёруғлик томон юрдим. 50 метрдан сўнг ғор йўли яна чапга бурилиб, иккинчи катта оғиз томон олиб бордик. Ҳорнинг бу тарафдаги оғзи анча кенг: эни 20 метр, бўйи 10 метр.

Биринчи ғор бизни бироз чалғитди. Ҳақиқий Амир Темур

ғорига шу ердан кириш туйнугини қидирдик. Деярли барча туйнуқларини, ҳатто юқоридаги туйнуқларни ҳам қараб чиқдим. Асосий ғорга қирадиган йўлни топиб бўлмади. Бир пайт Савриддин ака чақириб қолди. Катта ғор отхонанинг шундоқ ёнида, бироз тепароқда экан. Келаётганда иккинчи ғорни кўрмабмиз.

Тарихий манбаларда бу ғорда Амир Темур ва аскарлари яшагани, шу ерда ҳарбий тайёргарликдан ўтгани ҳақидаги аниқ маълумотлар йўқ. “Темур тузуқлари”да Соҳибқирон Самарқанд тоғларида жойлашиб, унга қўшилишни истаганлар ҳузурига келишини айтгани ёзилган.

Самарқанд тоғларини айрим манбачилар Ҳисордаги Шерлар дараси ва Амир Темур ғори билан боғлашади. Амир Темурнинг бу ерларда бўлгани, пири кўмағида ғорни толгани, шу ерда қолгани, аскарлари ва отларини жойлаштиргани ҳақида эса турли афсоналар мавжуд, холос.

1910 йили Амир Темур ғорига



ҒОРИДА БИР ТУН

нур қидириб...

сафар қилган Яккабоғ беги Мирза Салимбекнинг ёзишича, ғорнинг кириш дарвозаси бўлган, деворнинг ички қисми нақшлар ва қабарик тасвирлар билан безатилган. Иккала деворда ўйилган катта-кичик тоқчалар, ичкарида тахт бўлган. Лекин Салимбек ёзган нарсалар ҳозир йўқ. Аммо ғорга кирадиган жойдаги тошдан терилган ташқи девор қисмлари сақланган.

Асосий ғорга киришимиз билан ҳарорат бирдан ўзгарди. Дара юқорисида ҳарорат 30°C бўлса, дара ичида 25°C, ғор оғзида 20°Cни ташкил этади. Ғор ичкарисида эса ҳарорат қишин-ёзин 6°C бўлади. Кириш қисмида эни уч метр, баландлиги 8 метрли улкан харсангтош мавжуд. Унинг қаердан тушгани маълум эмас.

Харсангтош остидаги йўлақдан ғорнинг асосий залига кирилади. Ичкаридан намли ҳаво оқими юзингизга урилади. Иссиқроқ кийимимни кийиб олдим. Ғор кенгайиб боради. Эни 4 метр, баландлиги 20 метргача этади. 15 метрдан сўнг ғор йўли ўнганга бурилади. Асосий залда 200 метрча юрилгандан сўнг улкан сталактит (пастта осилган сумалак) ва сталагмит (юқорига қараган сумалак)лар залига кирилади. Ундан кейинги зал анча кенг бўлиб, айрим жойларининг эни 30 метр, баландлиги 25 метрни ташкил этади. Бу залдан 250 метр юрилгандан кейин эса тор йўлак бошланади.

Йўлакнинг охирида жудаям тор лаҳим кўринди (тулки уяси деб аташди). Лаҳимнинг эни 60 см, бўйи 40-50 см. Аввал мен кириб, у ёғига йўл қандай эканини билиб, шерикларга хабар берадиган бўлдим. Лаҳимда ҳаракатланиш қийин, бош билан кириб, ётиб олиб, қўл ва оёқ билан судралиб ўтиш керак. Лаҳимнинг узунлиги тахминан 8-9 метр. Уртасида торроқ жойи ҳам бор.

Бу ердан ўтишни ҳаммага ҳам тавсия этавермайман. Семизроқ кишилар сиғмаслиги мумкин. Кислород етарли бўлса-да, лаҳим ичида юрак қисиши, қон босими тушиши мумкин. Бирор хавфни сезсангиз, кирмаганингиз маъқул. Ўзингизга тўла ишонсангизгина, ҳаракатланинг!

Биринчи лаҳимдан ўтилгандан сўнг кичик зал чиқади. У ердаги вазиятни ўрганган, шерикларга хабар қилдим. Шаҳром ҳам тушди. Кейинги залга ўтиш йўлини қидирдик. Яна бир тор лаҳим кўринди.

Иккинчи лаҳимнинг охирида ҳам торроқ зал кўринди, кейин учинчи лаҳим бошланар экан. 2-3 лаҳимлар узунлиги 5 метрдан. Учунчи лаҳимдан ўтгандан сўнг яна бир кенгроқ зал кўринди. Лаҳимлар орқали бақириб, Шаҳромга хабар бердим. Шаҳром залининг охирига бориб шерикларга кирса бўлишини хабар қилди.

Шериклар келгунча ғор ичида 20 дақиқача бир ўзим қолиб кет-


дим. Шаҳромдан бошқалар ҳали келиш-келмаслиги маълум эмасди. Атрофда бирор нур, бирор жон йўқ. Тепадан оқаётган сувнинг чақиллаши, юрак уришим, нафас олишимдан бошқа товуш эшитилмади. Бу ерда Яратган билан ёлғиз қолдим.

Лаҳимдан ўтаётганда инсоннинг қабрдаги ҳолатини тасаввур қилгандим. Бу ердаги қоронғилик ҳам қабрни эслатди. Бир муддатга чироқни ўчирдим. Ташқарида бўлсангиз, ойнинг нури бор, уй ичида бўлсангиз ҳам деразадан ёруғлик тушиб туради. Чироқ ўчиқлигида ҳам инсон кўзи зулматга боқиб, секин кўника бошлайди, кучсиз нурларни кўриб, аста нарсаларни ажратади. Бу ерда эса бунинг иложи йўқ. Тушадиган нурнинг ўзи йўқ. Кўзга қоп-қора зулматдан бошқа нарса кўринмайди.

"Қаҳф" сурасини, пайғамбар алай-ҳиссаломнинг Абу Бакр сиддиқ билан ғорда паноҳ топганларини, ғорда қолиб кетганлар ҳадисини эсладим. Икки ракат нафл намози ўқидим. Овозимни чиқариб Қуръон тиловат қилдим.

Шу пайт шерикларим Шаҳром, Ҳумоюн ва Акмал ака кириб келишди. Улар ҳам намоз ўқиб олгандан сўнг оят, ҳадисни эслатдим. Сафаримизни самарали, хавфсиз ва осон қилгин, деб дуо қилдик.

Баралла тасбеҳ айтиб, сўнгги кўлли зални айлана бошладик. Ичкари зал чап томон аввал торайиб, кейин кенгайиб борди. Ғор иқлими кескин ўзгарган, намлик юқорилаганди. 80 метрча юрганимиздан сўнг оёқ ости




хўллашди. Бу ерда кўл бўлган, ҳозир қурибди. Оёқ остида жуда оз сув қолган. Тахминан 50-60 диаметрлик кўл остига тушдик. У ердан яна чапга бурилиб, 20 метрча юриб, бироз юқориладик.

Зал шу ерда тугагандек туюлади. Тўғрида юқорига чиқадиган йўл кўринди. Юқоридан худди тахтага ўхшаган ясси тош турибди. Тошдан юқориси гумбазга ўхшайди. Яхшилаб текширдим.

Юқорига йўл йўқ. Аксар манбаларда ғор кўлнинг охирида тугаши айтилган. Афтидан кўпчилик кўлдан у ёғига ўтолмаган кўринади. Кўлдан ўтганларнинг хотираларида тахтдан юқорида ҳам йўл бўлиши мумкин дейилган. Лекин юқорига йўл йўқлиги аниқ.

Шу ердан яна бошқа йўл чиқармикан дея текшира бошладим. Бўлса, бўлди, бўлмаса, орқага қайтиш керак. Тахтнинг чап тарафида ертўлага ўхшаган тор йўлак кўринди. Эгилиб йўлак остига кирдим. У ерда яна бир тор лаҳим кўринди. Лаҳимдан бош суқиб аста судрала бошладим. Бироз эгик йўлақдан судраларканман, тўғримдан нур кўринди. Субҳаналлоҳ, яна бир зал бор экан, ичкарида кимдир




бор. Нур томон яқинлашарканман, у тарафдан "Келаверинг!" деган овоз эшитилди. "Сиз чиқяпсизми, қиряпсизми?" дедим, у тарафдан яна "Келаверинг!" деган овоз эшитилди. Овоз жуда таниш. "Кимсиз?" дедим, "Менман" деган сас келди. Бу Шаҳромнинг дадаси Савриддин аканинг товуши эди.

Лаҳимдан чиқар эканман, ҳайратда эдим. Лаҳим бошида Савриддин ака ва Жамолиддин ўтирарди. Илк саволим "Бу ерда қандай қилиб келдинглар? Бошқа йўл бор эканми?" бўлди. Савриддин ака Жамолиддинга қаради-да, галати бўлиб, "Йўқ, шу ерда сизларни кутиб ўтирибмиз", деди (эртаси кун Савриддин ака билан гаплашганимда "Тўғриси, ғор буларнинг ақлига бироз таъсир қилибди, деб хавортирдандим", деди).

Вазиятни тушунганимча бир дақиқача ўтди. Ҳа, демак, ичкари зал айлана бўлиб, кўлдан ўтгандан сўнг юқорилаганда эгик лаҳим шу ерга туташаркан. Шерикларимнинг ҳам илк саволи меникидай бўлди. Савриддин ака сергак тортиб, кеч бўлгани, тезроқ ғордан чиқиб, лагерга боришимизни айтди.

Ғорнинг кенг залларидан кетяп-



ман-у, лаҳимлардан қандай чиқиб олганимизга ҳайратда эдим. Аллоҳ бизни ўзимиз билмаган ҳолда, жуда осон, бир зумда ичкаридан чиқариб қўйган, ярим соат олдинги дуомизни қабул қилган эди. Ўзига чексиз шуқурлар бўлсин!..

Узоқдан кўш нури кўринди, ғорнинг чиқадиган жойига етиб келдик. Ташқарилаганимизда аср вақти бўлган. Шерлар дараси эса бироз қоронғилиш қолган эди. Дарёдан ўтиб, шаршарадан сув олиб, юқоридаги лагеримизга шошилдик. Йўл-йўлакай синган арча шохларини териб кетдик. Юқоридан тўғридан-тўғри юрилганда 1 чақиримлик масофа дарани айланиб ўтиш билан 5 километр бўларкан.

Лагерга борганимизда шом бўлган, ҳаво аста совий бошлаган эди. Устимга яна бир кийим кийволдим. Овқатландик, совуқ танадан ўта бошлаган, тезроқ чодирга кириш керак эди. Жойини йиғиштирдик, катталар чодирга киришди. Биз боя олиб келган шохлар ва ўтинларни майдалаб, гулхан ёқдик. Гулхан атрофида гурунқ қизиди...

Ой атрофни ёритар, осмондаги юлдузлар гўё кўл билан ушласа бўладиган даражада яқин ва тиниқ кўринади. Тўғримизда Чимбой (3 700 метр), чап тарафимизда Хўжа Ахчабурун (3 820 метр) чўққиси қад кериб турарди.

Кечаси 00:30 гача гулхан атрофида исиниб, кийимларимизни қуриштириб, гурунқлашиб ўтирдик. Ҳаво ҳарорати 4-5°C гача тушди. Кейин чодирларимизга кирдик. Яхшиям, ётоқ-қопимга ўранган эканман. Шундай бўлса-да, совуқ бироз ўтди. Махсус ётоқ-қоп олмаган шериклар совуққа роса қийналишибди. Соат 3:30 ларда турдик. Мўйсин амаки кечаси оловга бир ўтинни солиб қўйган экан. Саҳар Шаҳром яна ўтни кучайтирди. Олов атрофида ўтириб чой ичдик...

Қайтарканмиз, ғордаги дуомиз ва унинг биз кутмаган тарздаги тез ижобатидан ҳамон ҳайратда эдим...

"XXI asr" учун махсус

Тошкент – Шаҳрисабз –
Шерлар дараси,
2021 йил 19-20 июнь

Сен нечун аччиқсан, ҳаёт?!

XXI ASR...Аллақачон куёш уфққа бош кўйиб бўлган. Бутун борлиқда тун сокинлиги ҳукмрон. Мен бўлса дераза олдида ўтириб, зулматдан гўзаллик топмоқ умидидаман. Кўл телефоним мусиқасининг янраши шундоқ ҳам сарҳад билмас ҳаёлларимни ҳар томонга тўзғитиб юборди. Негадир кўнглимда тушунарсиз гашлик. Кўнгироққа жавоб бердим. Юрагим адашмаган экан. Энг яқин дугонам Нигора синглиси Мадинани тез ёрдам машинаси билан шифохонага олиб келганини, иложим бўлса, ҳозироқ олдида етиб боришимни илтимос қилди. Бу опа-синглининг ота-онаси уч ой муқаддам ажрашиб, ҳар бири бошқа оила қуришган эди. Икки фарзанд эса бувиси билан қолганди.

Шифохонага елдек учиб бордим. Жонлантириш бўлими эшиги олдида турган дугонамнинг рангида ранг қолмаган. Мени кўриши билан маънос кўзларида қалқиб турган ёшни тутиб туролмади. Унга ҳаммаси яхши бўлишини қайта-қайта таъкидлардим-у, кўнглимда эса қандайдир кўркув...

– У қандли диабетга чалинибди, – деди дугонам сал ўзига келгач, – ахир у эндигина 12 ёшни қаршилаган эди ахир! Ота-онамнинг сўнги йўқ уруш-жанжаллари ва ажрашишгани таъсирини ўтказмай қолмабди...

Қалбимда оғир дард пайдо бўлди.

Қандай ёрдам беришга ҳам ҳайронман. Хайрият, Мадинанинг аҳволи анча яхшиланди. Бир неча кун ўтгач, уни алоҳида палатага олишди. Тез-тез ҳолидан хабар олиб турдик.

Билдимки, ота-онаси ажримидан ғам чекиб, қандли диабетга йўлиққанлар кўп экан. Бу дардни ўзига бир умрлик ҳамроҳ қилиб олган болакайларикининг айби не?

Қизиқ, фарзандининг бутун ҳаёти мобайнида хаста бўлиб юришига айбдор ота-оналарни ер қандай кўтариб турибди? Уларни ким деб аташ мумкин? Одам боласимикан шулар ҳам?

Саволлар кўп, аммо жавоблар... минг афсуски, йўқ!

Маълумотларга кўра, республикамызда 2020 йилда 28,2 мингта ажрим ҳолати ФХДЭ органларида қайд этилибди! Тасаввур қиляпсизми, салкам ўттиз минг нафар эр-хотин ортида неча минглаб бегуноҳ болажонлар тақдири турибди-ку! Улар учун энди ким жавобгар, жамиятми, иккинчи, учинчи, юзинчи одамларми? Тўғри, бу рўйхатга кирган оилаларнинг ажралишига турли хил сабаблар рўқач қилинади. Объектив ва субъективларини ажратиш ҳам мушкул эмас. Бу танганинг бир томони, иккинчи томонини кўриш, таҳлил қилиш эса сизу бизга, маҳалла-кўй, кўни-кўшни, қариндош-уруғ, танишу бегоналар зиммасида турганини ҳам унутмайлик.

Ота-она ажрашса, янги турмуш қуришлари, бахтини топиши, яна

фарзанд кўриши мумкин. Бироқ ҳар хил тарафга улоқиб кетган болалар эртага зулм кўрмаслигига ким кафолат беради? Муштипарларнинг кўз ёши устига барпо этилган бахт қасрида улар шодон яшай оладими?

Инсон бўлиб яраганимиз Аллоҳ томонидан кўрсатилган энг катта марҳамат аслида. Оила ва фарзанд эса Яратганнинг бизга ҳада этган баҳо инъомлари. Зеро, уларни бир умр асраш, бу неъматларга шукрона айтиш, машаққатларга сабр қилиш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.


Моҳим ТОПИЛОВА,
ЎзЖОКУ талабаси



• Қурувчилар нега раҳмат эшитяпти?

Бу йилги ёз ҳар йилгидан кўра иссиқроқ келмоқда. Ташқарида бирор зарур юмуши бор киши ҳам жазираманинг пасайишини, куёш тигининг “ўтмаслашиши”ни кутиб, соя-салқинда жон сақлайди. Аммо шундай касб эгалари борки, улар учун на иссиқ, на совуқ аҳамиятсиз. Демак, қурувчилар ҳақида сўз очмоқчимиз. Ишонмасангиз, ана, қурилиш бўлаётган ҳудудларга бир назар солинг. Тиним билмай меҳнат қилишяпти азаматлар.

Фидойи бинокорлар, ҳали қарасангиз – шифохона, ҳали қарасангиз – таълим даргоҳлари қуриб, таъмирлаб, эл учун хизмат қилмоқда. Бу хайрли ишда уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги “2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда.



Суратда (ўнгдан чапга): вилоят қурилиш-техник назоратчилари Исмоил Исаев ва Ҳамидилла Маматқулов ҳамда “Озода МРТ” МЧЖ муҳандиси Маъруф Доллиев.

Фикримиз тасдиғи сифатида мисолларга назар соламыз. Пискент туманининг Оқ тепа маҳалласидаги ўқувчи-ёшларнинг қувончи чексиз. Боиси улар шу пайтга қадар абгор мактаб биносида

таълим олаётганди. Энди шу бинода бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Икки сменада дарс олган ўғил-қизлар ҳадемай 8-мактабнинг замонавий филиалига эга бўлишади. Ушбу инвестиция лойиҳасини амалга оширишни Халқ таълими вазирлиги ҳузурарида “Халқ таълими соҳасида инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент вилояти бўлими буюртмаси асосида “Time build” ҳамда ёрдамчи пудратчи “Aslan-Bukhara-group” масъулияти чекланган жамиятининг забардаст қурувчилари зиммасига олишган.

– Бино давлат дастури асосида реконструкция қилиниб, яна кўшимча 96 ўринли ўқув блоги ҳам бунёд этилмоқда, –

дейди моҳир бинокор, “Time build” МЧЖ раҳбари Анвар Ҳусенов. – Маскани янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топширишни мақсад қилганмиз.

Бундан ташқари, ушбу аҳил жамоа Бўстонлик туманининг чекка ҳудудларидан бири – Қорамозор маҳалласидаги 80 ўринли 49-мактаб биносида ҳам замонавий меъморчилик меъёрлари асосида мукамал таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда.

Яна бир қувонарли ҳол. Пискент туманидаги 21-мактаб ўқувчилари учун спорт зали барпо этилмоқда. Энди ўғил-қизлар қорли-ёмғирли кунларда ҳам жисмоний тарбия билан машғул бўлишлари

мумкин. Бу ерда ўз ишининг устаси, қурувчи Бахтиёр Сотволдиев бошчилигидаги “Анд тех-наз” масъулияти чекланган жамияти бинокорлари меҳнат муҳофазаси ва карантин талабларига амал қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда. Мазкур қурувчилар жамоаси тумандаги 11- ҳамда 34-мактаб учун ҳам спорт зали барпо этишмоқда. Ҳозирги кунда бинонинг том қисмини ёпиш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоятдаги шифо масканларида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари авж палласида. Мисол учун, “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига кўра, Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси учун кўшимча бўлим қурилиб, ёрдамчи хўжалик бинолари мукамал таъмирланмоқда. Мазкур 5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришда тажрибали бинокор Фулом Раҳмонов бошчилигидаги “Озода МРТ” МЧЖ жамоаси жонбозлик кўрсатишмоқда.

Шунингдек, жорий йилги дастурга кўра, Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳам реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Айни муассасада демонтаж ишлари якунланиб, пардозлаш ишлари бошланган. Ушбу 13 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларида Шухрат Қаринов раҳбарлигидаги “Me'tor home” МЧЖ заҳматкаш бинокорлари маҳоратларини кўрсатишмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири



XXI ASR

Сувга суйниб бўлмайдим, аммо СЎЗга суйниш мумкин. Чақиндан-да тез, нурдан-да ёруғ сўз кўринмас қудрат, сезилмас салобат. Ўзи билан ўзи исён ичида, ғамзада шоирнинг ҳар айтар каломи видога ўхшаб туюлади. Файрат Мажид бир шеърида: Бу дунё садақа менинг бошимдан, // Садақа бўлмаган дунёларни бер”, дейди.

Файрат Мажидга шоирлик қондан ўтган. Ота томондан бобоси Муҳиддин тегирмончи ўта китобхон бўлган. Она томондан бобоси Мирзо Камол Охунд эса шеър ёзган, тариқат пири сифатида эътибор топган.

Шоир ким? Яримта кўнглида ўйлари бутун, ғуссадан кўзлари яшанган, юрагини шафқатсиз тиглаган бир банда. Бандаки, гоҳ худ, гоҳ бехуд. Худ бўлса – нафс измидаги жўн бир одам, бехуд бўлса – оламини қалбига жойлаган, барча кадарга маҳрам...

Ўзига сиғмаган ижодкорга на сергалва дунё кўнади, на у дунёга! “Саҳроларда адашиб қолган, // Бир бечора ғариб теваман”, дейди шоир. Ҳақроғ, рубъи маскунда қанча ғам бўлса, чин шоир – нолакор қушга ҳалол. Ҳақиқий ижодкорнинг оддий одамдан фарқи дунёга қарашда кўринади. Турмуш ташвишларига кўмилган лодон “Яшаш нима? Яшаяпман мен, // Пичогидан айрилган қиндай” дермиди? “Ҳазонлар кузакнинг муаззам арзи...” деган гапни пул санаётган одам қандай англасин?..

Ўзини билганнинг Яратганга илтижою истиғфори беадоқ. “Мен қаёққа кетяпман, Рабб?” деган сўров, аслида, ҳаммининг дилида бор. Бу бешафқат саволга кимдир бугун, кимдир эртага, албатта, жавоб ахтаради.

Замондошимизнинг Ватанини англаши барча ижодкорлар сингари тугилган тупроқни англашдан бошланган:

*Булбуллақда булбуллари хониш этар,
Қирққизда қизгалдоқлар ёниш этар,
Ичидаги Ватанини йўқотса ким,
Юрагини оёқларда ковуш этар.*

“Болалик соғинчи”даги туйғу ҳам сизга бегона эмас:

*“Қирққиз тепаларда лолақизгалдоқ,
Менинг юрагимдан сачраган нола.
Йўлингга кўз тикиб турибман муштоқ,
Олис адирларда югурган бола.*

Қирққизда кўй боқиб, кўзи қувиб ўсган шоир Ватан деганда улуг элдошларини тушунади. Булбуллақда қолган дунё эса сир-синоатга тўла. Хожажий Имканигай – орифлар султони, фозилу солиҳлар дўсти ватан тутган бу тупроқ ҳали кўп шоирларга илҳом беражак. Шоир бу ҳақда тўлиб-тошиб гапиради, эшитган ҳикоят ривоятларни мароқ билан сўзлайди. Бу соғинч замирида она тупроққа тийиксиз муҳаббат борлигини сезиш қийин эмас. Музтар қалб сурати бўлмиш “Армон” шеъри ана ўша соғинч таъсирида битилган:



шинг” каби тўпламлари чоп этилди. Бу китоблар ижодкорнинг тахайюл ва тафаккур олами бойиб бораётганини кўрсатади. “Беш дарс” китобига сўзбоши битган Сирожддин Сайид “зариф шоир” деб таърифлайди. Мирзо Кенжабек шоирнинг тўртликларига тўхталиб, “у имкони борича қалб хазиналарини очишга, ҳикматга мойил сўз айтишга, тил билан дил ростлигини изҳор этишга уринади”, дейди.

Нафсиламрини айтганда, шеърнинг шарофати билан нафақат шоир, шеърхон ҳам ўсади. Диди юксак китобхонда – да кўнглини англаш истаги

рулиб, улоқиб-толиб, охирида кўнгиладан зўр маъво йўқлигини англаб етади. Ахир, ҳаммининг ҳам қадамидан из қолмайди-да! Жаҳонгашталиқ дунёга муҳаббатдан пайдо бўлса, саргашталиқ кўнгиладан айро тушишдан бошланади. Кўнгилини овлаш машаққати – умр мазмуни. Ҳатто биргина кўнгилга йўл тополмай ўтаётган оворалар қанча. Инсон баъзан дунёга сиғмай, бутун олам унга тор қафасдек кўринганда Оллоҳнинг бошқа неъматлари, дейлик, набототдаги нозик бир гиёҳ ёки бир кичкина чашма бўлиб қолишни ҳам хаёл этади. Хаёл чексиз бўлгандан сўнг одам нималарга ўзини менгзамайди дейсиз? Хўш, нима қилибди, улар ҳам Яратганга ҳамд ва тасбеҳ айтаётган биз каби бир уммат...

Одамнинг ички олами ишқ туфайли очилади. Унинг ҳақиқий сурати ошиқликда намоён. Ошиқ занжининг оқ қалбини кўрган шоир шиддати мингта Буроққа баробар экани, ботинида мингта қисмат қарх ураётгани шеърхонда иштибоҳ уйғотмайди.

*Хору хасларни ҳам неъмат англадим,
Яшиндек кетмоқда дил илдиз сари.*

Мунаббар дарғ

*Баланд тоғларимнинг қорлари қани?
Эрий оқадиган ях-музим йўқдир.
Бир умр бўйида яшайин десам,
Анҳорим йўқ маним, ялғизим йўқдир.*

Файрат Мажид баланд пардаларда сўз айтмоқ учун руҳни қаламдай йўниб олиш кераклигини билади. Гарчи кажрафтор бўлса-да, “ҳар дам дони қолган, сомон қолмаган” бу дунёнинг охират экинзори экани хаёлдан кўтарилари. Хом сут эмган бандамиз-да!

Шоирнинг “Таажуб” шеърида шундай сатрлар бор:

*Дунё қандай гуллар дарахтдир,
Бир қора, бириси оппоқ.
Наҳот, шунинг ҳаммаси бахтдир,
Наҳот, бари бахтсизлик мутлоқ.*

Бешафқат савол дафъатан пайдо бўлган эмас. Тўғри, илк китоби “Гул санам”да ошиқ кўнгили изтироблари, лирик қахрамоннинг ўз-ўзини маломат қилиши, ҳижронзада дил оҳанглари устувор бўлса-да, шоир ҳаёт ва инсон манзараларини кузатиш йўригини маҳкам тутди. Мутафаккир Абдулла Ориф айтмоқчи, “Шеър ҳавойи эмас, унинг оёғи қандайдир заминга таяниб турган бўлиши керак. Яъни шеър предметли бўлгани дуруст”. Шогирд ижодини кузатган бағрикенг устоз “Файратли шоир” мақоласида “Унинг шеърларида фикр таровати, ажиб самимият бор”, деб ёзди.

Файрат Мажиднинг ўтган йиллар мобайнида “Кўзларингни соғинсам”, “Ҳеч кимга ўхшамайсан”, “Кўксимдаги юлдузлар”, “Оққушларга айланар юрак”, “Мумкин эмас сенинг йиғла-

бор. Шу маънода шоирнинг:

*Кўнгилдир дунёда энг хавфли душман,
Кўнгиладан бўлаги вале элмасдир, –*

деган сатрлари шеърхонни хаёл гирдобига ташлайди. Биринчи сатр ўзбек халқ мақолини ёдга солса, кейинги қатор унинг аксига далолат. Душман ва маҳрам кўнгили баҳси мувоқабатга чўмган ўқувчига эриш туюлмайди.

Куйидаги мисол ҳам кўнгили хусусида:

*Дунёда энг лойқа дарёдир кўнгили,
Вале, бир дарё йўқ кўнгилдай тиниқ.*

Камгап, камтар шоир ижодида исён ва итоат тарозининг икки палласидек келадиган ўринлар талайгина. Инсонни ўрганиш унинг кўнглини, қалбини тафтиш қилишдан бошланади. Аллоҳнинг байти бўлган бу сирли хилқатни ким ҳам тўла англабди дейсиз? Кўнгилга йўл – башарга йўл. Бир кўнгилининг нечоғлик азиз эканини Ҳазрат Навоийдан ўтказиб тасвирлаш душвор. Ҳаммага ёд бўлиб кетган сатрлар ёдингизга тушди-а? “Кимки бир кўнгили бузуқнинг хотирин шод айлағай, // Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай”.

Ҳар бир ижодкор катта орзу-ниятлар ила улуг боболар панжасига панжа уради, аммо дилидаю тилида ўша мангу бўлоқлар борлигига беадад шукрона келтиради. “Юрагимда зўр ҳадик лоладек яшнаб ўсди” деган шоирга инонмай бўладими? Орзумандлик ва хуш ният ижод учун бамисоли бир маёқ.

Одам табиати қизиқ. Айланиб-уй-

*Бунчалар навқирон, бунчалар қадим,
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.*

Моҳиятни, ваҳдатни англаган дил ўткинчи дунё жилваларига алданмайди. Дунёдан қочиб, дилга азимат этган одам ёлғончининг хуш ўйинларидан шодмондек кўринса-да, омонат берилган умр сўрови борлигини унутмайди. Баҳор ва куз ёмғири, бу ўринда, ўтаётган умр тимсоли.

Устозлардан илҳомланиб, устозларга таассуб қилаётган Файрат Мажид: “Ўзганинг боғида уммадим, шукур, // Мен яшайвераман ўз боғларимда”, дейди.

Бир ўқувчи сифатида шоир иқро-рига ишонамиз.



Олим ТОШБОЕВ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист



Дунёда биринчи бўлиб сўз пайдо бўлган. Исломий эътиқодимизга кўра, бутун борлиқ Аллоҳ таолонинг "Кун!" ("Бўл", "Ярал!") деган буйруғи билан ярала бошлаган. Юзага келган миллион-миллион, эҳтилом, миллиард-миллиард мавжудот орасидан фақат ва фақат инсонгагина ақл берилди. Ақл эса сўз орқали шаклланади.

либ, давлат идораларини бундан огоҳ этиш айнан журналистиканинг гарданидаги буюк масъулият ва бурч ҳисобланади. Шундай экан, бу соҳанинг ўзида етуқ кадрлар етиштириш, фао-

ВОБАСТАЛИК

ёхуд рағбатнинг кучи

Демак, сўз – яратувчи кучга эга. Илм ҳар қанча ривожланган бўлмасин, ҳали одамзод сўзнинг инсон кўнглига таъсири кучини ўлчайдиган ускуна ўйлаб топганича йўқ. Халқона айтганда, сўз илонни инидан чиқаради, қилични қинига салади ҳам.

Сўз билан иш юритадиган соҳалар орасида журналистикадан зўри, яъни тезкори, таъсирчани, оммабоби йўқ.

Сўз ақл, яъни билим ва тафаккур кучини ифода қилади. Ер юзидаги қайси мамлакат халқи тараққиётда юксакроқ даражага эришган бўлса, демак, билим ва тафаккурда олдинги ўринларга чиқиб олган.

Янги Ўзбекистонимиз тезроқ ривожланган давлатлар сафига кўшилишни кўзлаётган экан, бу олий мақсадга оммавий ахборот воситаларининг кўмагисиз асло эришиб бўлмайди. Шунинг учун шу касб вакили сифатида камини мамлакат тараққиёти билан журналистика раънақини бир ёки ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар деб биламан.

Билим ва тафаккурнинг самараси кенг маънода давлат ҳамда халқ ўртасидаги яқинлик билан ўлчанади. Давлат – ҳар бир мамлакат халқининг энг асосий сиёсий бойлиги. Биз бу улуғ бойликка ўтган аср охириги ўн йиллигидагина қайта эришдик. Давлат жамиятни бошқаради, элни олға етаклайди.

Аммо шўро давридан қолган бир хато тасаввурни буткул янгилашимиз керак. Бу шундан иборатки, содда одамлар ҳали-ҳа-

мон: "Давлат халқни боқадими", деб ўйлайди. Ҳолбуки, тамоман аксинча. Яъни Одам Атодан то ҳозиргача ҳеч бир давлат халқини боққан эмас ва боқмайди ҳам. Чунки халқ ўзини ўзи ва давлатини ҳам боқади. Шунинг учун халқ қанча бойиса, давлат ҳам шунча бойийди деб қарашимиз лозим. Бу худдики: "Икки карра икки – тўрт", деган чалик тўғри гап.

Демак, тараққиётга эришиш учун халқни кучайтириш, кўполроқ айтганда, инсоннинг сифатини ошириш зарур. Агар бир мамлакат ялпи ички маҳсулотининг киши бошига тақсимоти иккинчи мамлакатдаги шу кўрсаткичдан 20 баробар кўп бўлса, билим, ўша илғор мамлакатнинг бир фуқароси бир йилда қиёс қилинаётган иккинчи давлатнинг 20 нафар фуқароси яратган маҳсулотни ишлаб чиқарган. Ҳар қандай даромаддан солиқ олинганидан кейин давлат ҳам бойийдими-йўқми? Албатта, бойийди.

Оммавий ахборот воситаларининг халқни яратувчиликка, самарали меҳнатга, янги техника ва технологиялар билан ишлашга, камдаромад соҳалардан сердаромад соҳаларга ўтишга, янги-янги соҳаларга ихтисослашишга жалб қилишдаги аҳамиятини бошқа ҳеч бир соҳа билан қиёслаб бўлмайди.

Тараққиётни амалда давлат ҳам истади, халқ ҳам. Давлат сиёсатининг моҳиятини халққа тушунтириш, шу билан бирга, халқнинг дарди, ташвиши, жамият муаммоларини таҳлил қи-

Султонмурод ОЛИМ,
"Тафаккур"
журнали бўлими
муdiri,
Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсатган
маданият ходими



лият даражасини жаҳоннинг илғор усул ва услублари асосида юксалтириш даврнинг муҳим талаби бўлиб турибди.

Бугун журналистика-мизда долзарб бир муаммо масаласи. Соҳанинг майдони кенгайгандан-кенгайиб борапти. Бугун блогерларни ҳам оммавий ахборот воситалари ходимлари сафига кўшишимиз зарур. Аммо оммага сўз айтишининг ҳам, эҳ-ҳе, қанчадан-қанча мезони, меъёри, қонун-қоидаси, одоб-ахлоқи бор-да. Айрим блогерлар буни расво қилиб ташлаяпти. Тўғри, оммавий ахборот воситаси – турли-туман, ҳатто бири-бирига қарама-қарши фикрлар тўқнаш келади, ўзаро баҳс-мунозара қизигандан-қизийдиган кенг бир майдон. Бироқ "мунозара маданияти" деган тушунча ҳам бор-ку! Аввало, ҳар ким оғзидан чиқадиган гапга жавоб бериши, етти эмас, етмиш ўлчаб, бир кешиши керак. Ёки оммавий ахборот воситаси бири-биримизни болохонадор қилиб сўкиш учун берилган имкон эмас-ку, ахир. Исломий олий маълумот эгаси бўлган муҳтарам зотлардан

бирининг "YouTube" даги чиқишларидан бирида фикрига қарши бўлган бир кишини русчалаб "итнинг боласи" деб сўкканини эшитдим. Астафйруллоҳ, Худо одамнинг боласи қилиб яратган бўлса, ҳар қанча хато фикрламасин, уни бундай деб ҳақоратлаш Аллоҳни инкор қилиш билан баробар эмасми? Маданият шундайки, ҳатто диссертациялар ҳимоясида ишни чиппака чиқарган олимга нисбатан ҳам: "Муҳтарам оппонентимизнинг фалон фикрига кўра..." деб муомала қилинади.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини байрам тарзида кенг нишонлаш, соҳанинг бир қатор илғор вакиллари давлат мукофотлари билан тақдирланиши кўнгилларда катта рағбат уйғотади. Ахир, инсон қалби – ҳаммаша эътибору рағбатга муҳтож-да.

Аввало, ҳар қандай давлат мукофоти кишига қилган самарали меҳнати, халқ ва давлатга хизмати учун берилади. Тақдирланган ҳар бир фуқаро шу бахонада босиб ўтган йўлига бир назар ташлайди, ўзича ишларини сарҳисоб қилади. Қолаверса, вужудиди янги куч, янги қувват ҳис этади, келажак учун катта режалар туза бошлайди. "Туюдай

сўрасанг, биядай беради", деган мақол бор-ку. Кўнгилда туғилган мақсадларнинг бир қисми амалга ошса ҳам, эҳ-ҳе, қанча иш юзага келади.

Каминанинг биринчи мақоласи 13 ёшлигида босилган эди. Шунга ҳам роппа-роса 54 йил бўлибди. Мактабни битирганимга қадар республика, вилоят билан туман матбуотида 187 та мақолам чиққан. Собик ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетига имтиёз билан кириб, имтиёз билан тугаллаганман. Пойтахтга ўқишга келганимга роппа-роса 50 йил тўлди. Мабодро қалам озми-кўпми ўткирлашгандай бўлса, кўп, жуда кўп йўнилган-да, демоқчиман.

Давлат раҳбарининг фармони билан берилган фахрий унвон эса бу қаламни янада ўткирлаштириб юборса, ажаб эмас. Энг муҳими, қўлга қалам тутганда, ҳар қандай материалим Ватан ва халқ раънақига, заррача бўлсин, ҳисса қўшиши керак, деб ёзайлик. Чунки журналист халқнинг онг-тафаккури, билими, қобилияти, маданияти, маънавияти, мафқурасини ўстиришга хизмат қилиши керак.

Ахир, мамлакат давлат ва халқ бирлиги асосидагина ривожланади.

Таҳрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҚОВЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

XXIASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бosh муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Фаррух ЖАББОРОВ
Бosh муҳаррир уринбосари

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73⁻уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қўбугуна – 71 215 63-80
(тел.факс).
Обуна ва реклама бўлими – 71 255 08-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-3 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Т – 751 Тираж: 35145
Электрон газета тиражи: 505
Баҳоси келишилган нарҳда.

Топширилди – 20:50

Таҳририятга келган кўлемлар тақриз қилинади ва муаллифларга қайтариб берилади.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга мана бу сифатда газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2183-497X

9 772183 497004

НАШР КўРСАТКИЧИ: 406
123456

Нашбати муҳаррир:
Озод РАҲАБОВ